



1916 йилда Ўрта Осиёда рўй берган, ҳозирги Козогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларидаги 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган "махаллий" эркак аҳолини Биринчи жаҳон урушидаги фронт ортига Россия армияси сафига сафарбар этиш тўғрисидаги подшоҳ фармониغا қарши ҳамма ерда халқлар исён кўтарган воқеалар тарихий жихатдан тўлиқ баҳоланмаган.

Тожикистон шимолидаги Хўжанд шаҳрида 1916 йил 4 июлда нотинчлик бошланиб, Ўрта Осиё бўйлаб кенг қўламли кўзғолонлар авж олди. Хўжанд кўзғолони ортидан кўзғолонлар Фарғона водийси (Ўзбекистон) Жиззах, Самарканд, Сирдарё, Фарғона шаҳарларига ёйилди. Шу йилнинг августида Семиречье (Қирғизистон, Козогистон жануби), Тўрғай даштларида (Козогистон шимоли ва маркази) кўзғолонлар юзага келди. Одатда, ҳар қандай кўзғолонни етакчилар, қаҳрамонлар ва жангчилар бошқарган. Козок даштларида Шайх Абдулғафар Жанбосинулли ва унинг саркардаси Амангелди Иман шундай бўлган. Қирғизларнинг Алатоо тоғ этакларидаги ерларида булар халқнинг меритократик элитаси Мокуш Шабданов, Канат Абукин, Курман Лепесовлар эди. Фарғона водийсида булар рухоний раҳбарлар бўлиб, машхурларидан бири Носир Хўжа Абдусаламов ҳамда Помир тоғларининг машхур Каландаршобек исёнчиларининг издошлари эди.

Ўша воқеалар рўй берган 1916 йилги Ўрта Осиё кўзғолонининг юқорида тилга олинган ҳудудларига назар ташласак, бир томондан Козогистон ва Қирғизистоннинг, иккинчи томондан Ўзбекистон ва Тожикистоннинг замонавий ҳудудларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Козогистон ва Қирғизистонда халқлар кўчманчи турмуш тарзини олиб борган, Ўзбекистон ва Тожикистонда эса улар асосан ўтроқ бўлган. Бу ҳақиқат тарихий оқибатларга таъсир қилди. Ўзбекистон ва Тожикистонда кўзғолонлар тез ва шафқатсиз бостирилди, Қирғизистонда эса кўзғолонни бостиришга кўпроқ вақт сарфланди, ҳуллас, Тўрғай кўзғолони 1917 йил октябр инқилобидан кейин ҳам урушга айланди.

Хўжанд ва Жиззахдаги кўзғолонларга ўзларини Накшбандий тариқати вакили деб ҳисобловчи эшонлар бошчилик қилдилар. Улардан ташқари, бошқа минтакалардаги бошқа диний таълимотларнинг бошқа обрўли имомлари кўзғолонга қўшилишди ва

мукаддас уруш – Газоват бошланганини эълон қилишди. Бирок Фаргона водийсида ярим аср давомида 1916 йилги кўзғолонлардан олдин ҳар қандай исёнкорона қайфиятлар шафкатсизларча бостирилган ҳолатлар туфайли бу кўзғолон чор ва маҳаллий кучлар томонидан тез ва қон билан бостирилди. Ярим аср давомида Фаргона водийсида подшолик мафкураси жорий этилди. Натижада, маҳаллий элита империализм мафкурасини тарғиб қилди. Жаҳидчилик ҳаракати империя мафкурачилари иштирокисиз яратилиб, подшо ва мусулмонлар ўртасида кўприк бўлиб қолди. Екатерина иккинчи иккинчи масжид ва мадрасалар қурилишини, Куръони Каримни босиб чиқаришни ва вертикал маънавий бошқарувни яратишни қандай молиялаштирганини тарих билади. Жаҳидчилик ҳаракати раҳбарларининг аксарияти биринчи Жаҳон урушида чор тузумини қўллаб-қувватладилар. Кўпгина маҳаллий элита ва жаҳидлар қирол хазинасини моддий жихатдан тўлдирдилар. Дарҳақиқат, улар қомрадорлар эди, чунки уларнинг фаолияти туфайли вилоят микёсидаги қатта кўзғолон воқеалари занжири тезда натижа учун имконият бўлмасдан тугади. 1916 йилдаги Ўрта Осиё кўзғолонидан то ҳозирги кунгача бўлган бир асрдан бир оз вақт давомида глобал ўзгаришлар юз берди. Хусусан, бу маконда чоризм ўрнини коммунизм, энди эса либерализм эгаллади. Бошқарув режимига қараб, Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги бу қинакам даврийликлар турли давр ва тузумлар тарихчилари томонидан турлича таърифланган. Коммунистлар даврида бу воқеалар одатда халқ озодлиги кўзғолони деб номланган, чунки кўзғолончилар ва большевиклар чоризмга қарши қурашда бир томонда эдилар. Энди бу воқеалар деярли ҳеч бўлмаганда давлат даражасида унутилиб қетди. Ахир, Россиядаги ҳозирги сиёсат чоризмни ўз тарихининг ва эҳтимол, мафкурасининг бир қисми деб билади, антагонистик коммунистик ўтмиш ҳақида эса гапириш мумкин эмас. Марказий Осиё республикаларининг ҳозирги ҳукуматлари эса "қатта оғ"ни тасодифан ҳафа қилмаслик учун ўша давр воқеаларини ўрганишга ҳаракат қилишмаяпти. 1916 йилги Ўрта Осиё кўзғолонларига қандай тарихий баҳо бериш мумкин? Ўша даврда бундай этно мансуб мафкура бўлмаган, Ислом заминида асосий ижтимоий-сиёсий омил бўлган. Усмонийлар теократик давлати иштирок етган жаҳон уруши бўлиб, унинг ҳукмдори бутун дунё, шу жумладан бутун Марказий Осиё минтақаси учун содиқ мусулмонларнинг ҳукмдори ҳисобланган. Шунинг учун кўзғолон миллий ёки қуйи синфларнинг қорозилиги туфайли бўлиши мумкин эмас эди. Бу тарихий воқеаларни Ислом омилидан айри баҳолаб бўлмайди. Ушбу воқеаларнинг барча қахрамонлари Ислом динига амал қиларди ва унинг асосий қонунларига риоя қиларди.

Абу Муслим таржимаси